“КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ” ТУШУНЧАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Дусмухамедов Ойбек Суратбекович
Ўзбекистон Миллий университети, “Макроиқтисодиёт” ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Маданият ва санъат менежменти” кафедралари доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD
https://doi.org/10.5281/zenodo.15269615

Аннотация. *Мақолада креатив иқтисодиёт ва индустрия тушунчаларининг ривожланиш эволюцияси ҳамда иқтисодий мазмуни ёритилган. “Креатив иқтисодиёт” ва “креатив индустрия” тушунчаларига мамлакатлар ҳамда ҳалқаро ташкилотлар томонидан тақдим этилган таърифларининг назарий ҳамда услубий жиҳатлари қиёсий таҳлил этилган. "Креатив иқтисодиёт" ва "креатив индустрия"нинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг таркиби тадқиқ этилган. Шунингдек, креатив иқтисодиёт ва индустрияни ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *креатив иқтисодиёт, креатив индустрия, интеллектуал мулк, инновацион ривожланиш, билимлар иқтисодиёти, барқарор тараққиёт мақсадлари, инсон капитали, инновацион ривожланиш,ЯИМ, муаллифлик хуқуқи.*

Аннотация. *В статье рассматривается эволюция развития и экономическое содержание понятий креативной экономики и индустрии. Проведен сравнительный анализ теоретических и методологических аспектов определений понятий «креативная экономика» и «креативная индустрия», представленных странами и международными организациями. Изучены специфические характеристики «креативной экономики» и «креативной индустрии», их состав. Разработаны также научные предложения и практические рекомендации, направленные на развитие креативной экономики и индустрии.*

Ключевые слова: *креативная экономика, креативная индустрия, интеллектуальная собственность, инновационное развитие, экономика знаний, цели устойчивого развития, человеческий капитал, инновационное развитие, ВВП, авторское право.*

Annotation. *The article examines the evolution of development and economic content of the concepts of creative economy and industry. A comparative analysis of theoretical and methodological aspects of the definitions of the concepts of "creative economy" and "creative industry" presented by countries and international organizations is carried out. Specific characteristics of the "creative economy" and "creative industry" and their composition are studied. Scientific proposals and practical recommendations aimed at the development of the creative economy and industry are also developed.*

Keywords: *creative economy, creative industry, intellectual property, innovative development, knowledge economy, sustainable development goals, human capital, innovative development, GDP, copyright.*

КИРИШ

Ўзбекистонда креатив иқтисодиётни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу тармоқнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан ижодий фойдаланиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга катта аҳамият берилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 74/198 резолюциясида таъкидланганидек, креатив иқтисодиёт Барқарор Тараққиёт Мақсадларига (БТМ), жумладан 1-мақсад (қашшоқликка йўл қўймаслик), 5-мақсад (гендер тенглиги), 8-мақсад (муносиб меҳнат ва иқтисодий ўсиш) 9-мақсад (саноат, инновациялар ва инфратузилма), 10-мақсад (тенгсизликларни камайтириш), 11-мақсад (шаҳарлар барқарорлиги), 12-мақсад (ишлаб чиқариш моделларининг барқарорлиги ва истеъмол шакллари), 16-мақсад (тинчликсевар ва инклюзив жамиятлар) ва 17-мақсад (амалга ошириш воситалари ва глобал ҳамкорлик) каби мақсадларга эришишда катта ҳисса қўшади [10].

Маданий ва креатив соҳалар, шубҳасиз, жаҳон иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқда. Маданият сектори жаҳон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 3,1% ни ташкил қилмоқда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференцияси (UNCTAD)нинг ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йилда креатив товарлар ва хизматлар умумий маҳсулот ва хизматлар экспортининг мос равишда 3% ва 21% ни ташкил қилган. Бундан ташқари, маданият ва креатив индустрия бутун дунё бўйлаб барча иш ўринларининг 6,2 фоизини, яъни қарийб 50 миллион инсонни иш билан таъминлаган. Креатив индустрия бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ ёшларни (15-29 ёш) иш билан таъминлаган. Креатив иқтисодиёт ижтимоий инклюзия, маданий хилма-хиллик ва инсон ривожланишига ёрдам беради [9].

Креатив индустрия одамларга ўз ижодкорлиги ва инновацияларини очиб бериш, ғояларни аниқ иқтисодий қийматга айлантириш учун платформа таклиф қилади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда креатив ва инновацион соҳаларда фаолият юритадиган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, креатив ва инновацион ғоялар ҳамда технологияларни жорий этиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги «2022 - 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони [1] ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилнинг 3 октябрида “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сон қонуни [2] қабул қилинди. “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонуннинг мақсади креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Ҳужжат креатив иқтисодиёт соҳасидаги асосий тушунчаларни ва креатив индустрия субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини мустаҳкамлайди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Биринчи марта «креатив иқтисодиёт» тушунчаси 2000 йилда Business Week журналидаги мақолада тилга олинган [4]. Унда муаллиф XXI асрда корпорациялар ролининг ўзгариши, ғояларнинг аҳамияти ортиб, интеллектуал ресурслар ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиб бораётган даврда янги иқтисодиёт шароитларига мослашиш имкониятлари ҳақида фикр юритади. Креатив иқтисодиётнинг асосида

субъектларнинг юқори даражадаги рақобатбардошликка эришиш имконини берувчи ностандарт усуллар ёрдамида пайдо бўладиган ва потенциал муаммоларни ҳал қилиш, қўшимча иқтисодий ва ижтимоий самараларни олиш қобилияти ётади деб таъкидлайди."Креатив иқтисодиёт" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган "креатив индустриялар" атамаси биринчи марта 1998 йилда Буюк Британия Маданият, ОАВ ва спорт департаменти томонидан "Creative Industries Mapping Document" деб номланган хужжатда фойдаланилган.

Илмий адабиётларда “креатив иқтисодиёт” тушунчаси билан бир қаторда “инновацион иқтисодиёт” ва “билимлар иқтисодиёти” атамалари ҳам қўлланилади. Жаҳонда ушбу тушунчаларнинг аниқ таърифи мавжуд эмас. Шунингдек уларнинг мазмунини чегаралашда бевосита қарама-қарши фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифлар уларни синоним деб ҳисоблайдилар, чунки "креатив иқтисодиёт"да таълим ва инсон капиталига сармояларнинг роли ўсиб бормоқда, бу эса ўсиб бораётган инсон эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инновациялар асосида турли хил билимларни яратишга ёрдам беради [4] деб ҳисоблайдилар.

Бошқа муаллифлар [3] комбинациялашган ёндашув тарафдорларидир. Уларнинг фикрича, “креатив иқтисодиёт”, “инновацион иқтисодиёт” ва “билимлар иқтисодиёти” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш қийин, чунки улар бир-бири билан кесишувчан ва бир-биридан ажратилмайдиган тушунчалардир. Улар томондан “янги иқтисодиёт”ни тавсифловчи “интеллектуал-креатив” ва “инновацион-креатив иқтисодиёт” каби атамалардан фойдаланишни таклиф қилмоқдалар.

Жаҳонда ушбу соҳани ифодаловчи ягона атама ва умумий таъриф мавжуд эмас. Бунда қўлланиладиган қуйидаги асосий тушунчаларни ажратиб кўрсатиш мумкин: “креатив иқтисодиёт”, “медиа индустрияси”, “таъсуротлар иқтисодиёти”, “креатив индустриялар” (Буюк Британия маданият, оммавий ахборот воситалари ва спорт департаменти ҳамда ЮНЕСКО томонидан қўлланилади), “маданий ва креатив индустрия” (Европа Иттифоқида фойдаланилади), “интеллектуал мулк ҳуқуқлари билан ҳимояланган индустрия” (Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти “WIPO” томонидан қўлланилади).

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотда креатив иқтисодиёт, индустрия, креатив бизнес, маданий-креатив соҳалар тушунчаларига ғарб мамлакатлари ва ҳалқаро ташкилотлар томонидан томонидан тақдим этилган таърифлари қиёсий таҳлил қилинган. «Креатив иқтисодиёт», “креатив индустрия”, тушунчаларининг шаклланишининг эволюцияси таҳлил этилган. Бунда ушбу ўрганишда диалектик, тизимли ёндашув, киёслаш, таҳлил усули, гуруҳлаш анализ ва синтез усуллари тадқиқот методологиясини ташкил этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг стратегик ҳужжатлари, “креатив иқтисодиёт”, “креатив индустрия”, “креатив синф”, “креатив шаҳар” каби таърифлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Кўпинча назария ва амалиётда иккита тушунча қўлланилади - "креатив иқтисодиёт" ва "креатив индустриялар". Ушбу атамалар одатда кўпликда қўлланилади, чунки у турли хил ривожланиш динамикасига, иқтисодий мантиққа ва ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган бир қатор тармоқларни ўз ичига олади.

Ушбу тушунчаларнинг мазмунидаги фарқларни тушуниш ва уларни ўзаро фарқли жиҳатлари қуйидаги 1- жадвалда таҳлил этилди.

1-жадвал

Турли ташкилотлар ва муаллифлар томонидан хронологик тартибда таърифланган "креатив иқтисодиёт" ва "креатив индустрия" тушунчалари

Манба	**Йил**	**Тушунчанинг мазмуни**
Буюк Британия Маданият, ОАВ ва спорт департаменти [6]	1998	**"Креатив индустриялар** - бу индивидуал ижодкорлик, маҳорат ёки истеъдодга таянадиган ва интеллектуал мулкни ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш орқали қўшимча қиймат ва бандликни яратиш потенциалига эга бўлган фаолиятдир."
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференцияси **(UNCTAD)**	2004 2004 2018	**“Креатив иқтисодиёт** - бу ривожланаётган концепция бўлиб, бундай иқтисодиётнинг асосини иқтисодий ўсиш ва ривожланиш амалга оширадиган ижодий активлар ташкил этади” [7]. **"Креатив индустрия** - бу санъат, маданият, бизнес ва технология чорраҳасида жойлашган, даромадлар товарлар/хизматлар савдоси орқали олинадиган, ижодий ёки интеллектуал салоҳиятдан асосий манба сифатида фойдаланиладиган иқтисодиёт тармоғидир" “**Креатив бизнес”** – бу интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунлар доирасида иқтисодий қиймат яратиш ва бозорда сотиш асосида даромад олишга йўналтирилган, биринчи навбатда, ижодкорлик ва интеллектуал капиталга асосланган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тарқатишдир” [8].
Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) [5]	2014	"Муаллифлик ҳуқуқига асосланган ижодий соҳалар - муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган материални яратиш, ишлаб чиқариш, ижро этиш, кўргазма қилиш, узатиш, тарқатиш ёки чакана савдоси билан ихтисослашган, ўзаро бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган соҳалар."
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (UNESCO)	2015	**“Маданий-креатив соҳалар** - бу уюшган фаолият соҳалари бўлиб, уларнинг асосий мақсади товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, рағбатлантириш, тарқатиш ва тижоратлаштириш, шунингдек, маданий, бадиий фаолият ёки маданий мерос билан боғлиқ фаолият."
Ўзбекистон Республикасининг	2024	**креатив иқтисодиёт** — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти

“Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги қонуни [2]		натижасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи; **креатив индустрия** — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек интеллектуал мулк устуворлигига асосланган ва иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият турларининг мажмуи.

Юқоридаги жадвалдаги маълумотларга асосланиб, “креатив иқтисодиёт” – “креатив индустрия”га нисбатан кенгроқ атама бўлиб, у иқтисодиётнинг ўзига хос турини назарда тутади. Креатив иқтисодиётнинг тармоқларини (тармоқлари ёки фаолиятнинг айрим турларини) тавсифлашда "креатив индустрия" тушунчаси қўлланилади.

"Креатив иқтисодиёт" ва "креатив индустрия" қуйидаги энг муҳим ўзига хос хусусиятларга асосланади:

- улар бевосита ёки билвосита ижодкорлик, маданият, индивидуал истеъдод ва кўникмаларга асосланади;
- ишлаб чиқариш жараёнига инсон ижодий салоҳиятининг муҳим жиҳати сифатида қаралади;
- қўшимча қиймат ва иш ўринларини яратиш салоҳиятига йўналиш сифатида тан олинади;
- интеллектуал мулк ҳуқуқларини фойдаланиш ва ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланиш асосида амал қилади;
- уларнинг товарлари ва хизматлари баркамол шахсни шакллантириш ва ҳаёт сифатини оширишни таъминлайди;
- нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий аҳамиятга эга.

Юқорида кўрсатилган ёндашувлар фақатгина креатив иқтисодиётни ташкил этувчи креатив соҳалар доирасининг кенглиги билан фарқланади. Ушбу ёндашувларнинг ҳеч бири соф ҳолда мамлакатларнинг креатив иқтисодиёти тармоқларини аниқлашда фойдаланилмайди. Шунга қарамай, ушбу ёндашувлар зарур, чунки улар креатив иқтисодиётни ривожланиш ҳолати, муаммолари ва истиқболларини баҳолашга имкон беради.

Ушбу мақолада келтирилган маълумотларни умумлаштириш асосида Ўзбекистонда креатив иқтисодиёт ва индустрияни ривожлантириш учун қуйидаги ислоҳотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

1. Ҳудудларда креатив индустрия таркибига кирувчи соҳалар вакиллари учун креатив лойиҳаларни амалга ошириш майдонлари ва кластерларини ташкил этиш;
2. Маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда “Ўзбекистонда креатив иқтисодиёт ва индустриясини ривожлантириш миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш;
3. Креатив иқтисодиёт ва тадбиркорлик таълим йўналишлари бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларини ишлаб чиқиш;
4. дивергент ҳамда когнитив параметрларни таълимнинг барча даражалари ва босқичларида тадбиқ этишни йўлга қўйиш;

5. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида креатив иқтисодиёт институтлари: венчур фондлари, технопарклар ҳамда замонавий ижодий муҳитни ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сонли фармони;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Креатив иқтисодиёт тўғрисида”ги 2024 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-970 сон қонуни.
3. Dubina I.N. Approaches to the Definition, Characterization and Analysis of the Creative Economy. Moscow, Kreativnaya ekonomika Publ., 2010. 589 p
4. Белокрылова О.С., Дубская Е.С. TERRA ECONOMICUS, 2013, Том 11 № 4 Часть 2 Мировой опыт формирования креативной экономики и возможности его использования в России. С 5-11.
5. Измерение креативной экономики // НИУ «Высшая школа экономики». 2021. URL: https://measurecreativity.hse.ru/.
6. Creative Industries Mapping Document. 1998. URL: https://www.gov.uk/government/publications/creative-industries-mapping-documents-2001
7. United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) // Creative Economy Programme.URL: https://unctad.org/topic/trade-analysis/creative-economy-programme.
8. Creative Economy Outlook and Country Profile report. 2018 // UNCTAD. URL: https://unctad. org/system/files/official-document/ditcted2018d3_en.pdf.
9. UNESCO (2022). Re-shaping policies for creativity: Addressing culture as a global public good. URL:https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000380474.
10. https://daccess-ods.un.org/access.nsf/Get?OpenAgent&DS=A/RES/74/198&Lang=E.